



## ЁФОЧ МАТЕРИАЛШУНОСЛИГИ АСОСЛАРИ

**Турсунбой Ахмедов - физика-математика**

*фанлари номзоди, доцент.,*

**Сиддиқова Раънохон Абдулхай қизи-**

*Технологик таълим йўналиши 2-курс магистранти,*

*Фарғона давлат университети.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ёғоч ишлаб чиқариш, ёғоч ишлаб чиқариш технологияси, ёғоч ишлаб чиқаришда ишлатиладиган дараҳтлар, уларнинг хусусиятлари, ёғочдан тайёрланадиган материаллар, таҳта материалларга ишлов бериш түғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар ва иборалар:** ром, эшик, дераза, панжара, ҳавоза, сўри, эман, шумтол, дурадгорлик, қарғай, арча, тилоғоч, оқ қайин терақ, бақатерақ, миrzатерақ, ёнғоқ, чинор, қайрағоч

Республикамизда моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи-саноатдир. Қишлоқ хўжалиги саноати хом-ашё билан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди.

Республикамизда ёғоч ишлаб чиқариш ва уни тайёрлаш ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Қурувчининг вазифаси ишлаб чиқариш бинолари, иншоатлар, туар жойлар, касалхоналар, мактаблар ва бошқа объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилишдир. Халқ хўжалигининг ҳеч бир соҳаси йўқ-ки, унда ёғоч ишлатилмаган бўлсин. Ёғоч айниқса, қурилишда кўп ишлатилади. Ёғочдан биноларнинг юқ кўтарувчи конструкциялари, аркалар, тўсинлар стропил, синч сарроб, ҳимоя элементлари, девор панеллари ишланади. Ёғочдан шунингдек дурадгорлик буюмлари, ром, эшик, дераза, панжара бундан ташқари, улардан бетон учун қолип, ҳавоза ва сўрилар тайёрланади.

Ёғочни арралаганда (тилинганд) ўрта ҳисобда 65 фоиз маҳсулот, 35 фоиз пуштахта (габил) ва бошқа чиқиндилар чиқади. Ёғочни тилинганд махсулот сифати анча юқори бўлади. Агар хўл ёғоч тилинса, тилинган таҳта учубурчак, тўртбурчак шаклида таҳланиб, салқин жойда қуритилади.

Ҳар қандай ёғочнинг ишлатилиши унинг физикавий ва техникавий хоссаларига, ишлатиш шароитига, миқдорига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Техника ва технологиянинг тараққий этиши натижасида ёғоч материалларидан фойдаланиш соҳасида ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Яқин кунларда ҳам ёғоч асосий қурилиш материаллари, ҳисобланар эди.

Қурилиш ва иншоатларга йиғма темир бетон конструкцияларини ишлатилиши ёғочга бўлган эҳтиёжни анча камайтирди. Шунга қарамасдан ёғоч целлюлоза саноатида ҳозирги вақтда асосий материал ҳисобланади. Ҳамма ёғочлар улар олинадган дараҳтларнинг турига қараб, боргли ва нина баргли





турларига бўлинади. Қуришларда кўпинча нина баргли қарағай, арча тилоғоч ва кедр каби дaraohтлардан олинган ёғочлар ишлатилади. Бу дaraohтлар асосан Россия давлатидан келтирилади.

Бир қатор афзаликларга кўра нина баргли дaraohтлардан олинган ёғочлар қурилиш ва дурадгорлик ишларида асосий материал ҳисобланади. Унинг афзаликлари қуйидагилардан иборат: нина баргли ёғочларнинг таркибида столаш моддалари бўлгани учун хизмат муддати узоқ бўлади, чиримайди. Нина баргли дaraohтларнинг ёғочлари тўғри, силлиқ бўлиб, улардан яхши сифатли хода тайёрланади. Қурилиш ва дурудгорлик ишларида нина баргли дaraohт ёғочлари билан бир қаторда баъзи баргли дaraohт ёғочлари ҳам ишлатилади. Масалан: эман, шумтол, терак, чинор, зирк ва бошқалар. Ўсиб турган дaraohтларнинг турини уларнинг рангига, табиий гулига, хидига, товланишига қараб аниқланади. Қуйида қурилиш ва дурадгорликда ишлатиладиган баъзи баргли ва нина баргли дaraohтларнинг турлари, ташқи белгилари ва хоссалари билан танишиб ўтамиз.

**Қарағай.** Қарағайнинг пўстлоғи қалин, кўк жигар ранг, ёнғоғи оқ қизғиш рангли тўғри, енгил, пухта, смолали ҳамда чидамли, йиллик халқаларини аниқ кўриш мумкин. Қарағайдан қурилишда, кемасозликда вагонсозликда, дураддгорликда кенг фойдаланилади, у осон ишланади.

**Арча.** Арча дaraohтининг пўстлоғи қалин, қарамтири, кулранг бўлиб, ёғочи сербутоқ бўлгани учун ишлаш қийин. Майин қатлами бўлгани учун ўзак нурлари кўринмайди. Кам самолали, нам таъсирида чидамсиз. Арча қурилишда, целлюлоза қофоз саноатида, оддий мебеллар, таралар тайёрлашда ишлатилади.

**Тилоғоч.** Тилоғочнинг пўстлоғи қалин, қорамтири сарғиши рангда бўлади. Ёғочи майин қатлами, йиллик халқалари аниқ билинадиган қизиқиши жигар ранг, ортиқча смолали бўлиб қарағайга қараганда пухта бўлади, тез чиримайди. Ортиқча смолали бўлгани учун ишлаш қийин. Ундан гидротехникавий иншоатларда, ер ости қурилишларида шпаллар тайёрлашда фойдаланилади. Қурилиш ва вогонсозликда уни эман ёғочи ўрнида ишлатса бўлади.

**Оқ қайин.** Қайиннинг пўстлоғи оқиши учун қалин бўлмайди. Кекса қайин дaraohтининг пўстлоғи, палахса-палахса бўлиб ёрилган бўлади. Ёғочи қаттиқ қайин ишланади, оқиши пўстли йиллик халқалари аниқ билинмайди ҳамда чидамсиз, яхши пардозланади бўёқни яхши олади. Қайин ёғоч, фанер ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади ундан оддий мебеллар, эгри чизиқли ёғоч дaraohtlar тайёрланади.

**Терак.** Мирзатеракнинг пўстлоғи сарғиши, силлиқ, чатноқ кам учрайди. Танаси тўғри бақатеракка нисбатан кам шохли бўлади. Ундан яхши сифатли хода тайёрланади, ёғочи оқиши пўстли ҳамда чидамсиз. Мирзатерак асосан қурилиш материали ҳисобланади.

**Бақатерак.** Бақатерак ва мирзатерак бир-биридан шохларининг ва баргларининг тузилиши билан фарқ қиласи. Бақатеракнинг пўстлоғи оқ кўкиш





рангли, силлиқ бўлади, танасининг пастки қисмида чатноғи бўлади. Сершоҳ танаси унча тўғри бўлмайди. Ёғоч оқиши тусли, пишиқ ва пухта, ишлаш анча қийин ҳамда чидамсиз. Бақатерак қурилиш материали ҳисобланади. Ёғочидан дурадгорлик буюмлари тайёрлашда фойдаланилади.

**Ёнғоқ.** Ёнғоқ дараҳтининг пўстлоғи қўкимтирир кулранг, қалин ва силлиқ. Кекса ёнғоқ дараҳтларида танасининг пастки қисмида пўтлоғини чатноғи бўлади. Ёнғоқнинг пўстлоғи қорамтирир рангли, пухта-пишиқ, қаттиқ, ишлаш қийин, табиий гули чиройли, яхши пардозланади. Ундан рандаланган фанер, қимматбаҳо мебеллар тайёрланади, ўймакорлик ва пардоз ишларида фойдаланилади.

**Чинор.** Чинор дараҳтининг пўстлоғи қизғиши сариқ тусли, силлиқ, юпқа бўлади. Кекса чинорларда тананинг пастки қисмида қисман чатноғи бўлади. Ёғочи пишиқ, пухта, қаттиқ, ишлаш анча қийин бўлиб, яхши пардозланади. Ундан рандаланган фанер қимматбаҳо мебеллар тайёрланади.

**Қайроғоч.** Қайроғоч тузилиши жиҳатидан эманга ўхшаш йирик толали пишиқ, пухта, қаттиқ, чизиқлиги юқори, чайир, эгилувчан, ишлаш қийин бўлган қорамтири тусли ёғочдир. Ундан ёғоч винтлар, ёғоч тирноқлар, турли хил дасталар, ғилдирак кенгайи, тенгбурчак чўпчалар тайёрланади. Табиий гули чиройли бўлиб ундан фанер саноатида шрон тайёрланади.

Ёғоч материаллар ҳамма вақт юқори навли, яхши, сифатли, ишлатиш учун яроқли бўлавермайди. Уларда баъзи камчиликлар учрайди. Ёғочларда учрайдиган қўпчилик нуқсонлар дараҳтнинг ўсиш даврида ҳосил бўлиб, айrim нуқсонлар материаллар тайёрлаш, ташиш, сақлаш, унди фойдаланиш вақтида содир бўлади.

Ёғоч материалларида табиий мавжуд бўлган, кейинчалик содир бўладиган нуқсонлар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

**Бутоқлар.** Бутоқлар дараҳт шоҳларини ўсиш даврида ўз-ўзидан қуриб тушиши ёки кесиши натижасида ҳосил бўладиган табиий нўқсони бўлиб, у ҳар қандай ёғочда учрайди. Бутоқлар шакл ва ўлчамлари ҳосил бўлиши сабабларига кўра турли хил бўлади. Ўлчамларга кўра: катта диаметрли 40 мм.дан ортиқ, ўртacha 15-40 мм.гача ва майда 15 мм.гача бўлган бутоқлардан иборат бўлади.

Дараҳтларда ўсма бутоқлар ҳам учрайди. Ўсма бутоқлар танадаги йиллик халқаларнинг давомидан иборат бўлиб ёғоч қатламлари билан пухта боғланган бўлади. Бунда бутоқлар қуриши ва унга ишлов беришдан қатъий назар қўчмайди ва тушиб кетмайди.

Дараҳт ўсиб турган пайтда кеслган шоҳларидан ҳосил бўлган ўрама бутоқлар очик, қуруқ бутоқ бўлиб, уларни тананинг йиллик халқалари ўсиб ўраб олган бўлади.

Дараҳтни ўсиш даврида қуриб тушган ёки эрта кесилган шоҳларида ҳосил бўлган қуриган қопламлари бутоқларни тахта материалларида учраши мумкин. Улар чириб ёки тушиб кетганидан сўнг тешик ҳосил бўлади.





Соғлом бутоқларнинг қаттиқлиги ёғочни қаттиқлигидан тахминан уч марта ортиқ бўлади. Улар ёғочни ишлаш вақтида кескичларни кесишига ортиқча қаршилик кўрсатади. Бутоқларнинг сони, ўлчами, жойланиши ва уларнинг ҳархил бўлиши, ёғочнинг сифатига турлича таъсир кўрсатади. Айрим баргли дaraohтларнинг бутоқлари таркибида кўп миқдорда смола бўлиб, иссиқлик ёки қуёш таъсирида эриб ёғочдан оқиб тушади ва унинг сифати лак ва бўёқларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Ёғочнинг механикавий хусусиятига соғлом, қаттиқ, ўсма бутоқлари кам таъсир кўрсатади. Катта ўлчамли ва четдаги бутоқлар ёғочнинг механикавий хусусиятига катта таъсир кўрсатади.

Тахта материалларга ишлов бериш вақтида уларни ишлатиш соҳасига қараб, улардаги бутоқларни пармалаб ёки исказа билан ўйиб ташлаб, ўрнига ўша турдаги ёғоч ромб ёки юмалоқ шаклдаги тиқинлар тайёрлаб, поналаб қўйилади. Поналаш вақтида тиқини ва ёғоч толаларининг йўналишлари бир-бирига мослаб, елим, сурқаб ўрнатилади.

Бутоқлик тахта материалларидан тайёрланган буюмларнинг сирти фанерланадиган, шпон қопланадиган ва бутоқ буюмнинг пухталигига таъсир кўрсатилмайдиган бўлса, бундай ҳолларда бутоқни кўчириш, бутоқ ўрнини йўналишига эҳтиёж қолмайди чунки, фанер остида қолган бутоқ, буюм сифатини бузмайди. Бундай ҳолларда уни бир йўла рандалаб кетаверилади. Рандалаш осон ва тиғларининг ўтмаслигини таъминлаш мақсадида бутоқларнинг сиртини исказа ёки бошқа кескичлар билан кертиб олинади.

Дурадорчилик ишларида дaraohт турлари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир ёғоч материал ўзининг тузилиши ва сифат даражасига қараб маълум мақсадлар учун ишлатилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Tursunboy Axmedov, Siddikova Ranoxon Abdulxay qizi, Xusanova Lobarxon Murodovna //Basics of Wood Materials and Woodworking Technology// Texas Journal of Engineering and Technology. <https://zienjournals.com>. VOL. 9, JUNE, 2022. 100-102 page.

2. Yakubjon Usmanov, Ikromova Komila Hamidullo qizi //Use of Innovative Technologies in Teaching Electrical Engineering// Texas Journal of Engineering and Technology. <https://zienjournals.com>. VOL. 9, JUNE, 2022. 97-99 page.

3. Salim Madrahimovich Otajonov, Qaxxorova Barchinoy Abdiraximovna // Polymer and Composition Materials// Texas Journal of Engineering and Technology. <https://zienjournals.com>. VOL. 9, JUNE, 2022. 103-106 page.

4. Otazhonov S.M., Botirov K.A., Khalilov M.M., Yunusov N //EFFECT OF DEFORMATION ON DEFECT MIGRATION IN PHOTOSENSITIVE THIN FILMS CdTe: Ag





AND PbTe// Science and World International scientific journal № 6 (94) июн 2021  
ISSN 2308-4804 . IF 0,325 Page 11-16

5. Отажонов С.М., Ахмедов Т., Усмонов Я., Ботиров К.А., Халилов М.М., Юнусов Н. //ВЛИЯНИЕ ВНУТРЕННЕГО НАПРЯЖЕНИЯ НА ДЕФОРМАЦИОННЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПОЛИКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ПЛЕНОК PbTe С ИЗБЫТКОМ ТЕЛЛУРА И СВИНЦА// Science and World International scientific journal. 2021. № 3 (91). 18-22 page.

6. T Akhmedov , S M Otajonov, Ya Usmonov, M M Khalilov, N Yunusov and A K Amonov // Optical properties of polycrystalline films of lead telluride with distributed stoichiometry// Journal of Physics Conference Series/ 1889(2021)022052 doi:10.1088/1742-6596/1889/2/022052. 1-8 page

7. Салим Мадрахимович Отажонов, Абдуқаҳор Маматбоқиевич Худойбердиев, Ботиров Қодир Абдуллаевич, Мухаммадмусо Мухаммаджонович Халилов, Нурзод Юнусов, Улугбек Мамажонов //Тензочувствительности полупроводниковых пленок с мелких и глубоких примесей при температуре жидким гелием// Universum: технические науки. 12-2 (69) 2019. 28-32 page

8. E Gaubas, T Čeponis, D Dobrovolskas, J Mickevičius, J Pavlov, V Rumbauskas, JV Vaitkus, N Alimov, S Otajonov //Study of polycrystalline CdTe films by contact and contactless pulsed photo-ionization spectroscopy// Thin Solid Films. 2018/8/30. 231-235 page.

9. T Akhmedov, SM Otazhonov, MM Khalilov, N Yunusov, U Mamadzhanov, NM Zhuraev //Effective dielectric permeability and electrical conductivity of polycrystalline PbTe films with disturbed stoichiometry// Journal of Physics: Conference Series 2021/12/1 052008/

10. С Отажонов, К Ботиров, М Халилов, Н Юнусов, М Абдумаликова //СПЕКТРЫ ПОГЛОШЕНИЯ ПОЛИКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ПЛЕНОК PbTe С ИЗБЫТКОМ ТЕЛЛУРА// InterConf 2021/3/3. 954-961 page.

11. Салим Отажонов, Кодир Ботиров, Пахлавон Мовлонов, Нурзод Юнусов //ИЗМЕНЕНИЕ ФОТОЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ ГЕТЕРОСТРУКТУРЫ НА ОСНОВЕ Cu<sub>2-x</sub>Te-CdTe ПРИ ТЕРМИЧЕСКОЙ ОБРОБОТКЕ// InterConf 2021/2/12/

11. СМ Отажонов, МХ Рахмонкулов, ПИ Мовлонов, Н Юнусов //Влияние термообработки на фотоэлектрические свойства гетероструктуры Cu<sub>2-x</sub>Te-CdTe// Science, 2021. 89.

12. Салим Отажонов, Кодир Ботиров, Бахтиёр Раззоков, Нурзодбек Юнусов //ИССЛЕДОВАНИЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ И ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ФОТОПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ ГЕТЕРОПЕРЕХОДА Cu<sub>2-x</sub>Te-CdTe// InterConf 2020/12/12.

13. S Otazhonov, N Alimov, P Movlonov, K Botirov //CdTe-SiO<sub>2</sub>-Si-Al HETEROSTRUCTURE PHOTOSENSITIVITY CONTROL WITH DEEP IMPURITY LEVELS UNDER EXTERNAL FACTORS// Euroasian Journal of Semiconductors Science and Engineering. 05.2020. 5





14. S Otazhonov, N Alimov, P Movlonov, K Botirov, N Yunusov //Photosensitivity control of CdTe-SiO<sub>2</sub>-Si-Al heterostructure with deep impurity levels under external factors// Danish scientific journal. 2020. 35-38 page.

15. Otajonov Salimjon, Nurmakhmad Juraev, Muhammadmuso Khalilov //Creation of photodetectors based on film heterostructure p-membranous CdTe-ZnSe C deep impurity levels// 2019. 6

16. Салим Отажонов, Мухаммадмусо Халилов, Равшан Бойбобоев, Нурзод Юнусов, Улугбек Мамаджонов //ВЛИЯНИЕ ХЛОРА НА ТЕНЗОСВОЙСТВА ТОНКИХ ПЛЕНОК СУЛЬФИДА СВИНЦА// InterConf. 2021/3/29 329-333 page.

17. Салим Отажонов, Кодир Ботиров, Мухаммадмусо Халилов //СТАБИЛИЗАЦИЯ ТЕНЗОЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ ПОЛИКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ПЛЕНОК PbS ПОД ДЕЙСТВИЕМ ЛАЗЕРНОГО ОБЛУЧЕНИЯ// Science and World International scientific journal. 2020/8. 11-16 page

18. Салим Отажонов //Изучение деформационных эффектов в нанокристаллических фоточувствительных активированных тонких пленках р-CdTe// Журнал физики и инженерии поверхности. 02.2016

19. ЮЮ Вайткус, НХ Юлдашев, СМ Отажонов //О механизме образования высоковольтной фото-ЭДС в тонких косонапыленных пленках CdTe: Ag при собственном и примесном поглощении// Физическая инженерия поверхности. 2005.

20. НХ Юлдашев, ЮЮ Вайткус, СМ Отажонов //Высоковольтная поверхностная фото-ЭДС в тонких косонапыленных пленках при собственном и примесном поглощении// УзбФЖ, 03.2004

